2007 YIL 4 MAY, JUMA

# QISHLOQ HAYOTI

O'zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi

1974 yil 1 yanvardan chiqa boshlagan

№ 55 (7204). Sotuvda erkin narxda


## Куннинг муҳим воқеалари

● Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида бола ҳуқуқларини ижтимоий ҳимоя қилишнинг қонуний асосларига бағишланган конференция бўлиб ўтди.

● Пойтахтимизда Республика Хотин-қизлар қўмитаси ташаббуси билан ташкил этилган "Бахтимиз қомуси" мавзуидаги кўрик-танлов ғолиблари аниқланди.

● Ўзбекистон Бадиий академияси ҳамда Шўртан газ-кимё мажмуи ташаббуси билан Ғузор туманидаги ишчилар шаҳарчасида музей ташкил этилди.

● Ўзбекистон Республикаси Давлат Солиқ қўмитаси ҳузуридаги Солиқ академиясида ёш олимлар ва иқтидорли талабаларнинг Республика илмий-амалий конференцияси бўлиб ўтди.

● Самарқанд шаҳрининг 2750 йиллиги муносабати билан "Навқирон Самарқандга таъзим" кўрик-танлови ташкил этилди.

● Пойтахтимиздаги Фото уйида «Шарқ-Ғарб. Тошкент чорраҳаси» деб номланган долзарб фото ва видео санъати биринчи Тошкент халқаро фестивали очилди.

● Жиззах шаҳрида «Экосан» экология ва саломатлик халқаро ташкилотининг вилоят бўлими ташаббуси билан анъанавий экофестиваль ўтказилди.

● Сирдарё вилояти Сардоба туман меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бўлими ҳамда туман прокуратураси ҳамкорлигида ташкил қилинган меҳнат ярмаркасида ўттизга яқин корхона, ташкилот ҳамда фермер хўжаликлари юздан зиёд бўш иш ўринлари билан иштирок этди.

● Иқтидорли ёшларга рассомчилик, хусусан миниатюра жанри сир-асрорларини ўргатиш мақсадида Ҳазорасп туманида «Мусаввир» ижод уйи ташкил этилди.

● Чироқчи туманида бахши-шоирлар, жировлар ва оқинлар ўртасида "Бахшили эл – яхшили эл" анъанавий республика кўрик-танлови ўтказилди.

**Мактаб таълимини ривожлантириш дастурида педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш масаласига алоҳида эътибор қаратилган. Фарғона вилояти педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институтида ҳам бу борада ибратли ишлар қилиняпти. Ўтган йили институтда турли мутахассисликлар бўйича 8 минг нафардан зиёд тингловчи, шунингдек, масофавий ўқитиш марказларида 6 мингдан ортиқ муаллимлар билим ва кўникмаларини янада бойитишди. Айни пайтда халқ таълими ходимларига ахборот технологияларини ўргатиш мақсадида махсус курслар ташкил этилаётир. Мазкур илм даргоҳида қўлланилаётган ўқитишнинг янги турлари тингловчиларнинг касбий-педагогик тайёргарлик даражасини ўстириш, методик билим ва кўникмаларини янгилаш ҳамда чуқурлаштириш, таълим-тарбия ишлари самарадорлигини оширишни таъминлаш имконини беряпти.**

**СУРАТДА: табиий фанлар кафедраси кимё фани ўқитувчиси Розахон Ўрмонова.**

**М.ҚОДИРОВ (ЎзА) олган сурат.**



## "Бизнинг архитектор қизимиз"

***Айни баҳор кезлари эди. Қишлоқда янги мактаб қурилар экан, деган хушхабар тарқалди.***

–Жуда ажойиб иш бўларди, – деди кекса отахонлардан бири. – Эски мактаб анчайин таъмирталаб бўлиб қолган. Бир тарафи бир оз чўкиб, деворларида ёриқлар пайдо бўлганди. Болаларимизни замонавий, кенг ва ёруғ мактабда ўқитиш бизнинг орзуимиз-ку.

Эртаси куни кичик жуссали, озғингина қиз чаққон ҳаракатлари билан мактаб биноси ўрнини белгилади. Қўлидаги қоғозга нималарнидир қайд этди.

Тез орада мактаб қурилишига киришилди. Лойиҳачи қиз қурувчиларга йўл-йўриқ кўрсатарди. Бу хайрли ишларни ўз кўзи билан кўриб турган қишлоқ аҳлининг




қувончи ичига сиғмасди.

–Бунёдкор ёшларимиз сафи кенгайиб бораётгани яхши бўлди, – дейди қишлоқ оқсоқоллари. – Ишнинг тез кетаётганини қаранг. Архитектор Нигоранинг шижоати бор экан, ғайрати ичига сиғмайди-я. Шундай ёшларни кўрганимда, юртимиз келажагига ишончим янада ортади.

Нишон туманидаги 31-мактаб биноси фойдаланишга топширилганда, қишлоқ аҳли кўнглидан шундай гаплар ўтганди. Дарҳақиқат, қишлоқ аҳли "Ўзимизнинг архитектор қизимиз", дея тилларидан қўймаётган Нигора Сафарова "Евро-эксклюзив" қурилиш-таъмирлаш хусусий корхонасига 5 йилдан буён раҳбарлик қилиб, бундай самимий дил сўзларини кўп бор эшитган. 174 миллион сўмлик қурилиш-монтаж ишлари бажарилган мазкур мактаб биносида бугун болажонлар сабоқ олишаяпти.

–Дунёда болалар қувончига шерик бўлишдан ортиқ бахт бўлмаса керак, – дейди Нигора. – Мен бу туйғуни Қарши шаҳридаги болалар уйига борганимда, гўдакларни бағримга босиб, кўзимдан ёш сизиб чиққанида ҳис қилганман. Аслида менда қурувчи бўлиш иштиёқи ҳам шу ерда уйғонган. Ўшанда болалар уйи деворлари таъмирталаблигини кўриб, дилим алланечук бўлиб кетди. Кўнгли кемтик бу болакайларда ҳаётга муҳаббат уйғотиш учун ҳам бино шинам ва гўзал бўлиши керак, деган фикрга бордим.

(Давоми 2-бетда)

***Пойтахтимиздаги "Туркистон" саройида журналистика соҳасида "Олтин қалам" иккинчи Миллий мукофоти учун халқаро танлов ғолибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.***

3 май - Жаҳон матбуот эркинлиги кунига бағишлаб ўтказилган мазкур тадбирда Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизациялаш ва ислоҳ этиш жараёнининг изчил амалга оширилишида оммавий ахборот воситаларининг ўрни беқиёс экани алоҳида таъкидланди.

Мамлакатимизда ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг муҳим шарти бўлмиш матбуот, телевидение, радио, электрон оммавий ахборот воситалари фаолиятини янада либераллаштириш, уларнинг мустақиллиги ва эркинлигини амалда таъминлаш, моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, журналистлар ва техник ходимларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ҳамда малакасини оширишга катта эътибор қаратилаётир. Бугунги кунда юртимизда мингга яқин газета ва журнал, кўплаб радио ва телевидение каналлари, агентликлар ва интернет-нашрлар фаолият юритмоқда.

Мустақиллик йилларида оммавий ахборот воситалари мамлакатимизда амалга оширилаётган ҳаётбахш ислоҳотларнинг тарғиботчисига айланди. Ҳозирги шиддатли даврда юз бераётган воқеалар ҳақидаги ахборотларни аҳолига тезкорлик, аниқлик ва холислик билан етказиш оммавий ахборот воситалари ходимлари зиммасига катта масъулият юкламоқда.

Кенг қамровли ислоҳотлардан кўзлаган бош мақсадимиз - жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдан иборат бўлиб, бу жараёнда оммавий ахборот воситаларининг ролини янада фаоллаштириш муҳим аҳамиятга эга. Шу маънода, икки йил муқаддам Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси ва Журналистларни қайта тайёрлаш халқаро жамоатчилик маркази ташаббуси билан мамлакатимиз оммавий ахборот воситалари ходимлари ўртасида «Олтин қалам» Миллий мукофоти жорий этилди. Ўтган йили ана шу мукофот учун илк халқаро танлов бўлиб ўтган ва унинг ғолиблари – Ватанимизнинг иқтидорли, фаол журналистлари ҳамда мамлакатимиз ҳаётини холис ва ҳаққоний ёритган хорижлик қаламкашлар муносиб тақдирланган эди.

## "Олтин қалам"нинг янги соҳиблари



Жорий йилнинг бошида «Олтин қалам» Миллий мукофоти учун навбатдаги халқаро танлов эълон қилинди. Таъкидлаш жоизки бу йил танлов кўлами янада кенгайди – асосий йўналишлар, рағбатлантирувчи номинациялар ва ютуқли ўринлар, ғолибларга бериладиган пул мукофотлари миқдори анча ортди. Бу галги танлов иштирокчилари сони ҳам ўтган йилдагига нисбатан уч баравар кўп, унда мамлакатимизнинг турли ҳудудларидан 376 журналист 5 мингга яқин ижодий иши билан иштирок этди.

Биринчи марта энг яхши журналистик асар учун бош миллий мукофот таъсис этилди. Ушбу номинацияда ғолибликни қўлга киритган "Қашқадарё" газетаси таҳририяти – бош муҳаррири Нарзулла Равшанов - махсус диплом ҳамда энг кам иш ҳақининг 200 баравари миқдорида пул мукофотига сазовор бўлди.

Танловнинг асосий тўрт йўналишлари бўйича совриндорлар ҳам пул мукофотлари билан тақдирландилар.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.Орипов иштирок этди.

**(ЎзА)**

## Журналистика соҳасидаги «Олтин қалам» II миллий мукофоти ғолиблари ва совриндорлари

### Журналистика соҳасидаги бош миллий мукофот

**«Қашқадарё» газетаси таҳририяти** - бош муҳаррир Нарзулла Равшанов. Жамият ҳаётининг барча соҳаларида амалга оширилаётган демократик ўзгаришларни кенг ва чуқур ёритгани учун.

### Энг яхши журналистик материал учун

**Телевидение:**

**1-ўрин:**

**Саодат Ўрмонова** - Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси «Ўзбекистон» телерадиоканали маданий-маърифий ва бадиий дам олиш дастурлари бош муҳарририяти катта муҳаррири - «Қишлоқ ҳаёти» туркумидаги кўрсатувлари учун.

**2-ўрин:**

**Ўзбекистон Нодавлат телекомпаниялар телетармоғи** - бош директор Фарид Шарапов. Ижтимоий йўналишдаги ҳамда ахборот-таҳлилий кўрсатувлари учун.

**3-ўрин:**

**Тўлқин Пўлатов** - «Ёшлар» телерадиоканали «Давр» бош муҳарририяти катта муҳаррири. Ахборот-таҳлилий кўрсатувлар туркуми учун.

**Радио:**

**1-ўрин:**

**Дилбар Кдирниязова** - Қорақалпоғистон Республикаси телерадиокомпанияси радиоканали муҳаррири. Жамиятда хотин-қизларнинг ўрни ва роли тўғрисидаги туркум эшиттиришлари учун.

**2-ўрин:**

**«Пойтахт» радиостанцияси** - директор Илҳом Алимов. Республикада ва чет элларда юз бераётган муҳим воқеаларни тезкорлик билан ёритган ахборот-таҳлилий дастурлари учун.

**3-ўрин:**

**Обид Бердиалиев** - Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси «Ўзбекистон» телерадиоканалининг Фарғона вилояти бўйича ўз мухбири. Қишлоқ ҳаёти ва муаммоларига бағишланган таҳлилий материаллар туркуми учун.

**Матбуот:**

**1-ўрин:**

**Анвар Бобоев** - Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги - ЎзА халқаро ахборот таҳририяти бош муҳаррири. Халқаро мавзудаги ахборот-таҳлилий мақолалари учун.

**2-ўрин:**

**Шуҳрат Деҳқонов** - «Диёнат» ва «Ҳуқуқ оламида» газеталари бош муҳаррири (Наманган). Мамлакат миллий хавфсизлиги масалалари ҳамда халқаро терроризм ва диний экстремизмга қарши курашга оид материаллари учун.

**3-ўрин:**

**Абдулла Собиров** - «Инсон ва қонун» газетасининг Хоразм вилояти бўйича мухбири. Маънавий ва миллий қадриятлар тарғиботига бағишланган мақолалари учун.

**Интернет-журналистика:**

**1-ўрин:**

**Фахриддин Низомов** - Ўзбекистон Миллий матбуот маркази раиси. Ижтимоий-сиёсий ва халқаро мавзудаги материаллари учун.

**2-ўрин:**

**Дилдора Рашидова** - Ўзбекистон Миллий университети журналистика факультети Интернет-журналистика кафедраси мудири. Интернет-журналистика ва унинг ривожи масалаларига бағишланган материаллари учун.

**3-ўрин:**

**Лайло Рустамова** - «Uz-Report.com» интернет портали мухбири. Туркум ахборот-таҳлилий материаллари учун.

### Рағбатлантирувчи мукофотлар

**Журналистика ривожига қўшган ҳиссаси учун:**

**Мақсуд Қориев** - фахрий журналист, «Ўзбекистон овози» газетаси маънавият-маърифат кенгаши раиси.

**Ахбор Имомхўжаев** - спорт шарҳловчиси, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийи.

**Фаол фуқаролик позицияси учун:**

**Норқўчқор Норқобилов** - «Ўзбекистон овози» газетаси мухбири.

**Ижтимоий-сиёсий мавзудаги энг яхши таҳлилий материал учун:**

**Ислом Ҳамроев** - «Инсон ва қонун» газетаси масъул котиби.

**Ижтимоий-иқтисодий мавзудаги энг яхши таҳлилий материал учун:**

**Георгий Трофимов** - «Знамя дружбы» газетаси мухбири ва «Биржа» газетасининг Навоий вилояти бўйича ўз мухбири.

**Ҳарбий-ват нпарварлик мавзусидаги нг яхши материал учун:**

**Раъно Мираҳмедова** - Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси «Спорт» телерадиоканали катта муҳаррири.

**Энг яхши журналистик текширув учун:**

**Жўра Бобораҳматов** - Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси «Ўзбекистон» телерадиоканали ижтимоий-сиёсий ва социал-иқтисодий дастурлар бош муҳарририятининг бўлими мудири.

**Мураккаб шароитларда (фавқулодда вазиятлар, атроф-муҳит ва экология муаммолари) тайёрланган энг яхши репортаж учун:**

**Эркин Мирзаев** - «Ўзбектелефильм» студияси режиссёри.

**Энг яхши режиссёрлик иши учун:**

**Носир Отабоев** - «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси режиссёри.

**Йилнинг энг яхши дебюти учун:**

**«Жамият» газетаси таҳририяти** - бош муҳаррир Сирожиддин Раупов.

(Давоми 2-бетда)

*Мавсум*

## Яшил қаторлар – мўл ҳосилдан дарак

***Ғиждувон туманидаги ўнлаб фермер хўжаликлари далаларида чигит бехато униб чиқиб, яшил қаторлар кўзга ташланиб қолди. Бу экинтикин ишларининг обитобида бажарилганлиги натижасидир.***

- Ҳудудимиз бўйича 897 гектар ерда пахта етиштирилади, - дейди тумандаги Ғовшум қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Хумор Ҳамроева. - Иккита чигит экиш отряди кўмагида бу майдонларга қисқа муддатларда чигит қадалди. Энди навбат ғўза парваришига.

- Замонавий чигит экиш агрегати шарофати билан гектарига 18-22 килограмм чигит сарфланди, - дейишди Бухоро туманидаги "Баҳром Ихтиёр" фермер хўжалиги жамоаси билан суҳбатлашганимизда. - Вақтдан ютдик. Энди яганалашга ҳам ҳожат йўқ. Парваришни обитобида ўтказиб олсак, марра бизники.

Вилоят пахтакорларининг малакасини ошириш мақсадида тадбирлар ўтказилмоқда. Жумладан, Бухоро туманидаги "Работиқалмоқ" қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида ўтказилган семинар-тренинг ғўза парвариши билан боғлиқ жараёнлар, айни дамда амалга ошириладиган агротехник тадбирлар хусусида бўлди. Унда соҳа мутахассислари, фермер ва механизаторлар иштирок этишди.

**Истам ИБРОҲИМОВ,**
**"Қишлоқ ҳаёти" мухбири.**

## Ипак йўли йўналишлари Афинада тақдим этилди

***Афинада «Сайёҳлик манзаралари» деб номлаган 12-халқаро сайёҳлик кўргазмаси ниҳоясига етди. Мазкур нуфузли сайёҳлик анжуманида иштирок этиш учун Греция пойтахтига жаҳоннинг ўнлаб мамлакатларидан 430 дан ортиқ сайёҳлик фирма ва компаниялари вакиллари келишди.***

*Кўргазма*

Тўрт кун давом этган бу кўргазма билан 35 минг нафардан зиёд киши танишди. Ўзбек халқ амалий санъати намуналари, шунингдек, мамлакатимизнинг тарихи ва бугунги куни, миллий маданият ва анъаналаримиз, юртимизда ижтимоий-иқтисодий соҳада эришилаётган ютуқларга бағишланган видео ҳамда босма ахборот материаллари, диёримиздаги энг оммабоп сайёҳлик йўналишлари намойиш этилган Ўзбекистон павильони кўргазма меҳмонларида катта қизиқиш уйғотди. У «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси ва мамлакатимизнинг Грециядаги бош консуллиги билан ҳамкорликда тайёрланди.

Ўзбекистон экспозициясини томоша қилишга келган меҳмонлар эътиборига миллий рақс ва фольклор гуруҳларининг чиқишлари ҳавола этилди. Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган ичимликлар ҳамда миллий таомларимиз йиғилганларда катта таассурот қолдирди.

Ўзбекистон вакилларининг «Сайёҳлик манзаралари»даги иштироки туфайли Греция аҳолиси юртимиз билан яқиндан танишгани баробарида Буюк Ипак йўлининг бетакрор сайёҳлик йўналишлари ҳақида ҳам атрофлича маълумот олиш имконига эга бўлдилар.

**«Жаҳон» АА,**
**Афина.**




*Ибрат*

## Фарзандлар камолидан боши осмонда

***Хоразм вилояти Боғот туманидаги Хитой қишлоғида яшовчи Шавкат Қарриевдан бугунги фаровон турмуши, фарзандларининг ўқишга иштиёқи ҳақида сўрасангиз "Буларнинг бари ернинг орқасидан", дейди лўндагина қилиб.***

У 30 йилдан ортиқ маданият соҳасида хизмат қилган бўлса-да, ердан узоқлашмади. Унинг тасарруфидаги ер майдони катта эмас – 25 сотих.

–Шу ерда 400 тупдан ортиқ тоифи, ҳусайни каби узум навларини парваришлаб, йилига 5 тоннадан зиёд ҳосил оламан, – дейди Ш.Қарриев. – Токлар орасига экадиган редиска, пиёз, картошка каби сабзавотлардан келадиган даромадни қўшиб ҳисоблаганда, йилига 4,5-5 миллион сўмга етади.

Шавкат аканинг юрагини фахрга тўлдираётган омил фақат бугина эмас, балки шу заминдан олаётган даромади ҳисобига оиласининг бахтли, тўқ-фаровон яшаши учун имкон пайдо бўлганлигидир.

Унинг катта ўғли Санъат Тошкент тиббиёт олийгоҳида таҳсил олиб, бугунги кунда беморлар дардига шифо улашмоқда. Кичик ўғли Азизбек Тошкент Иқтисодиёт университетини битириб, айни пайтда хорижда билим ва малакасини оширмоқда. Қизлари Дилрабо ва Латофат ҳам тиббиёт соҳасида олий маълумотли бўлиш арафасида.

–Бунинг ҳаммаси меҳнат ва ерга бўлган меҳр шарофатидан, – дейди Шавкат Қарриев.

Бундай инсонлар орамизда кўпайсин, деймиз. Негаки, ана шундай тадбиркор кишиларнинг сафи кенгайса, элюрт янада фаровон бўлиб, қишлоқлар тобора ободонлашиб бораверади.

**Холмурод ҚУРБОНОВ,**
**"Қишлоқ ҳаёти" мухбири.**

